

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Фозилжон Отахонов

**“Ўзбекистон Республикасида
юридик хизмат”**

**фани бўйича сиртки бўлим талабалари учун
Ўқув-услубий қўлланма**

ТОШКЕНТ – 2004

Тошкент Давлат юридик институти ўқув-услугий Кенгашининг 2004 йил 25 январдаги мажлисида тасдиқланган(4-сонли баённома)

Такризчилар: Оқюлов О. – ТДЮИ “Хўжалик ва меънаат шуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д.

Боймоқов Б.М. – Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари

Мазкур ўқув-услугий қўлланма юридик олий ўқув юртлири сиртки бўлими талабалари учун “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанини чуқур ўрганиш мақсадида тузилган.

+ўлланмада барча мавзуларни ўрганиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги, назорат саволлари ва фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар келтирилган.

© Фозилжон Отахонов, 2004 й.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2004 й

СЌЗ БОШИ

Мустақил Республикамизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ўтказилаётган ислохотларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, барча мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолияти ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Мазкур органларнинг юридик хизмати – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланиши, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш жараёнидан бошлаб, то уларнинг ижросини таъминлашгача; хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва бажариш; мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш; меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш; тегишли органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш; ҳуқуқий тарбия ишларида фаол иштирок этади.

Шунинг учун ҳам юридик хизмат фаолиятини ўрганиш ва бу соҳа учун кадрлар тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма юридик олий ўқув юртлири сиртқи бўлим талабалари учун тайёрланган бўлиб, унда ўқув режаси ва дастури, фаннинг предмети, юридик хизмат тизими, ҳуқуқий ҳолати, фаолиятининг асосий йўналишлари, унга раҳбарлик қилиш ҳамда қонунчиликнинг ривожланиши каби масалаларни ўрганиш бўйича назарий ва амалий маслаҳатлар берилган. Шунингдек унда назорат саволлари, норматив ҳужжатлар ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ»
ФАНИ БЎЙИЧА МАВЗУЛАР**

Р Е Ж А С И

	Маш²улот мавзуси	Маъруза (соат)
	«Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети, услублари ва ахамияти	2
	Ўзбекистон Республикаси юридик хизмат ҳақидаги қонунчилигининг ривожланиши	3
	Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат tizими	1
	Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати ва унга рахбарлик қилиш	1
	Хўжалик юритувчи субъектлар юри-дик хиз- мати фаолиятининг асосий йўналишлари	3
	ЖАМИ	10

**«Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат»
фани ўқув**

ДАСТУРИ

1-мавзу. «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети, услублари ва ахамияти

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва республика иқтисодиётининг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишида юридик хизматнинг роли.

«Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети, уни ўрганиш услублари ва ахамияти.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси юридик хизмат хақидаги қонунчилигининг ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик хизмат фаолиятининг асосий манбаи. Юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, Олий Мажлис қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмат тўғрисидаги қарорлари. Юридик хизмат хақидаги Республика Низомлари(1933,1963,1993 йй)

Юридик хизмат хақидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви Олий органларининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Жоқар²и Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг) юридик хизмати. Республика ҳамда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг (вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва х.к.) юридик хизмати. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати. Барча мулк шаклидаги хўжалик юрителиувчи субъектларнинг юридик хизмати.

4-мавзу. Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати ва унга раҳбарлик қилиш

Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом (1993 й.) – уларнинг ҳуқуқий мақомини ифодаловчи асосий норматив ҳужжатдир. Юридик хизмат тўғрисидаги ички низомлар. Юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқно-малари.

Юридик хизмат ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ва вазифалари. Юридик хизматнинг масъулияти.

Юридик хизматга раҳбарлик қилишнинг ҳуқуқий асослари. Юридик хизмат фаолиятига идоравий раҳбарлик қилишнинг тартиби ва аҳамияти.

Юридик хизматга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари томонидан раҳбарликни амалга оширилиши.

5-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

Барча мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчиликни таъминлашда юридик хизматнинг роли.

Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишларда иштироки. Юридик хизматнинг талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли.

Юридик хизмат томонидан ҳуқуқий воситалар орқали мулкни сақлашни таъминлаш ишларини ташкил қилиш.

Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли.

I-МАВЗУ:
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ”
ЎЁУВ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБЛАРИ ВА
АЁАМИЯТИ

Р Е Ж А

1. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва республика иқтисодиётининг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишида юридик хизматнинг роли.
2. “Ўзбекистон Республикаси юридик хизмат” фанининг предмети, уни ўрганиш услублари ва ахамияти.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /Т. “Ўзбекистон”, 2003
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент. «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўса²асида: хавф-сизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон» 1997.
4. Каримов И.А. «Адолат қонун устиворлигида». «Халқ сўзи» газетаси, 30 август 2001 йил.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистонда демократик ўзгариш-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари». «Халқ сўзи» газетаси, 30 август 2002 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тў²рисида”ги йонуни (1997 йил 30 август № 482-І)

7. Ёзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хўжалик базаси тўғрисида”ги қонуни (1998 йил 29 август № 670-1)

8. Ёзбекистон Республикаси Президентининг “Ёзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 1992 йил 8 январдаги фармони

9. Ёзбекистон Республика Адлия вазирлиги ҳақидаги Низом (Ёзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003, № 15-16, 138-м.)

10. Ёзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом (Ёзбекистон Республикаси Ўқуқтининг қарорлари тўплами. 1993, № 3, 8-м.)

11. Отахонов Ф. Ёзбекистон Республикасида юридик хизмат-ўқув қўлланмаси / Тошкент, ТДЮИ, 2003 йил, 140бет

12. Отахонов Ф. Тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш масалари / Тошкент, ТДЮИ, 2003 йил, 50 бет

1-§. Ёзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва республика иқтисодиётининг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишида юридик хизматнинг роли

Ушбу мавзунини ўрганишда талабалар аввало инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш масалари бўйича олган билимларини қайтаришлари лозим бўлади.

Ўқуқий давлатни шакллантириш учун жумладан, мукамал қонунчиликни яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, мансабдор шахслар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат ва фуқароларнинг, давлат хокимияти ва бошқарув органларининг, шунингдек бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш талаб қилинади.

Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда давлат хокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар юридик хизмати салмоқли ўринга эга.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик хизмат халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишларнинг ташкилотчиси ва асосий юритувчисидир. Талабалар ҳуқуқий ишнинг моҳиятини чуқур англаб олишлари керак.

Ўзуқуқий ишларга жумладан қуйидагилар қиради:

қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида норматив ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

ҳуқуқий ишнинг ҳар бир субъектига унинг бевосита функциялари соҳасига хос бўлган, бошқарув, ташкилий-тезкор фаолият билан боʻлиқ таклифларни амалга оширилишини ташкил қилиш;

шартнома ва талабнома-даъво ишлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш;

қасаба уюшмаси қўмиталарига, мазкур ташкилот доирасида фаолият кўрсатаётган ўз-ўзини бошқариш органларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

бошқарув-хўжалик амалиётида фуқаролик, хўжалик, молия, меҳнат, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормаларига амал қилиш устидан ички идоравий ва ички хўжалик назоратини амалга ошириш, ҳуқуқни бузиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

республикада ҳуқуқий ишларнинг амалга оширилиши устидан умумдавлат назоратини таъминлаш, унга умумий ва услубий раҳбарлик қилиш;

ташкилотнинг хўжалик амалиётига бозор муносабатларига ўтиш вазифаларини ҳал қилинишини таъминловчи янги ҳуқуқий кўрсатмаларни жорий қилиш;

тажрибага таянган ҳолда ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга амалдаги қонунчиликнинг самарадорлигини пасайтирадиган ёки хўжалик соҳасида қутилмаган оқибат-ларга олиб келадиган зиддиятларни, камчиликлари ва бошқа нуқсонларини бартараф этиш тўғрисида таклифлар қилиш;

тегишли равишда рўйхатдан ўтказиш йўли билан ички идоравий ва маҳаллий манфаатларга таъсир кўрсатувчи норматив ҳужжатларнинг тартибли ҳисобини юритиш ва уларни назорат ҳолатида сақлаш.

Демак, ҳозирги даврда юридик хизмат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг бир қисми сифатида қонунчиликни, интизомни, ҳуқуқ-тарти-ботни мустаҳкамлаш ва давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг амалий воситаларидан бирига айла-наётганлигини назарда тутиш лозим бўлади. Шунинг учун юридик хизмат доимий эътиборни, унга малакали ва мунтазам раҳбарлик қилишни талаб қилади.

2-§ «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ўқув фанининг предмети, уни ўрганиш услублари ва ахамияти

Мазкур фан нисбатан янги бўлганлиги сабабли талабалар унинг предметини аниқ ўзлаштириб олишлари керак. Бунинг учун унинг бошқа фанлардан фарқини билишлари талаб қилинади.

“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлмай, балки амалий фанлар қаторига киради ва у ўзида деярли барча ҳуқуқ соҳаларини қўллаш услубларини мужассамлаштиради.

Собиқ Иттифоқ даврида кўпчилик ҳолларда бу фан “Хўжалик ҳуқуқи” фанининг “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар” мавзусида қисқача ёритилар ёки айрим юридик олий ўқув юртларида “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш” махсус курсларида ўқитилар эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин иқти-содий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматни ролини оширишга алоҳида эътибор берилётганлиги сабабли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юри-тувчи субъектлар учун юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлашга катта эҳтиёж сезилди.

Бу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Тошкент Давлат юридик институтида талабаларга 1993 йилдан бошлаб “Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат” мах-сус курс сифатида, 1995 йилдан эса фан сифатида ўқитила бошланди.

Ўзирги вақтда ушбу фаннинг номи “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” деб номланиб, у ўзининг пре-метиға, ўрганиш услубларига эгадир.

Мазкур фан “Хўжалик ҳуқуқи”, ”Фуқаролик ҳуқуқи, ”Маъмурий ҳуқуқ”, ”Меҳнат ҳуқуқи”, ”Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, ”Хўжалик процессуал ҳуқуқи” ва бошқа фанлардан ўзига хос жихатлари билан фарқ қилади.

“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанининг предметини Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, юридик хизмат тизими ва тузилиши, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат хоки-мияти ва бошқаруви органлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий

йўна-лишлари, юридик хизматга рахбарлик қилишни ўрганиш ташкил қилади.

Ушбу фанни ўрганишда тарихий, қиёсий, тизимли, социологик услублар кенг қўлланилади.

“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанини ўрганишнинг асосий мақсади ва ахамияти – давлат хоки-мияти ва бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматида ишлаш учун махсус тайёрланаётган талабалар томонидан ушбу предметни чуқур ўрганишни таъминлаш; уларни турли ҳаётий ва ишлаб чиқариш ҳолатларида ҳуқуқий воситалардан тўғри фойдаланишга ўргатиш; меҳнат жамоаларида ҳуқуқий ва ҳуқуқий-тарбиявий ишларни ташкил қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳуқуқий давлат нима ва уни шакллантиришда юридик хизмат қандай рол ўйнайди?

2. “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” ўқув фанининг предмети нима?

3. “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” ўқув фанини ўрганишнинг ахамияти нимада?

4. “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” ўқув фанининг бошқа ҳуқуқ фанларидан фарқи нима?

II-МАВЗУ:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЮРИДИК ХИЗМАТ
ЎАЎИДАГИ ЁОНУНЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

РЕЖА

1. Юридик хизмат тўрисидаги 1920-1990 йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юридик хизмат тўрисида қабул қилинган норматив ҳужжатлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўрисида”ги йонуни (1997 йил 30 август № 482-И)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хгжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуиуий базаси тгIрисида”ги йонуни (1998 йил 29 август № 670-И)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Ўзбекис-тон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўрисида” 1992 йил 8 январдаги фармони
4. Ўзбекистон Республика Адлия вазирлиги хақидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси ёонун ҳужжатлари тўп-лами. 2003, № 15-16, 138-м.)
5. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Ўукуматининг қарорлари тўплами. 1993, № 3, 8-м.)
6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юридик (шартнома-юридик) бўлими (бюро), бош (катта) юрис-кон-сульти, юрис-консульти тўрисида Намунавий низом (Ўзбе-кистон ССР Ўукуматининг қарорлари тўплами. 1963, № 10.)
7. Умумлаштирилган сектордаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юрисконсультлари (хуқукий масалалар бўйича

маслаҳатчилар) тўғрисида Низом (Ўзбекистон ССР амалдаги қонун ҳужжатларининг тартибли тўплами.1933, № 30,320-м.)

8 Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат-норматив ҳужжатлар тўплами /Т."Адолат", 1994

9. Отахонов Ф. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат қонунчилигининг ривожланиши /"Давлат ва ҳуқуқ" журнали, 2002 йил, 1-сон, 15-20 бетлар.

10. Отахонов Ф. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат-ўқув қўлланмаси/Тошкент, ТДЮИ, 2003 йил, 140 бет.

11. Отахонов Ф. Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш масалалари /"Хўжалик ва ҳуқуқ" журнали, 2002 йил 8-сон, 27-29 бетлар.

1-§. Юридик хизмат тўғрисида 1920-1990 йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари

Талабаларга юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожланишини ўрганишни ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб ўрганиш тавсия қилинади. Бунинг учун улар Россияда чоп этилган адабиётлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат-норматив ҳужжатлар тўпламида/Т."Адолат", 1994/ келтирилган қонунчилик ҳужжатларини синчиклаб ва таққослаб ўрганишлари лозим бўлади.

Республикамизда ҳукумат томонидан қабул қилинган дастлабки норматив ҳужжат **1928 йил 9 июндаги "Давлат муассасалари, корхоналари ва кооператив ташкилотлар юрисконсултлари тўғрисида"ги 38-сонли қарор** ҳисобланади. Ўқиб ўқиб юриконсулт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий вазифалари, жавобгарлиги, фаолияти усти-дан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш мақсадида маҳаллий прокурорлар ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган.

Юрисконсултларнинг асосий мажбуриятлари доирасига - ҳуқуқий масалалар бўйича ёзма ва оғзаки ҳулосалар ва маълумотлар бериш, қарорлар, йўриқномалар лойиҳаларини тузишда иштирок этиш; ташкилотлар томонидан тузилаётган шартномалар ва бошқа ҳуқуқий ҳусусиятга эга бўлган ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни амалдаги қонунларга мувофиқлигини текшириш; ташкилотларнинг топшириқлари бўйича уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш киритилган.

Аста-секин юрисконсультларнинг вазифаси кенгайтирилиб, ҳуқуқий ҳолати эса мустаҳкамланиб борган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1933 йил 11 октябрдаги 718-сонли қарори билан “Умумлаштирилган сектордаги муассасалар, корхоналар ва ташкилот-лар юрисконсультлари (ҳуқуқий масалалар бўйича масла-хатчилари) тўғрисида Низом” тасдиқланган.

Низом 12 банддан иборат бўлиб, унда юрисконсульт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий функциялари, жавобгарлиги, фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш, малакасини ошириш мақса-дида Республика Прокурори, жойларда шаҳар ва туман про-курорлари ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган.

Низомда юрисконсультларнинг функциялари кенгайтирилиб, батафсил ёритилган. Юрисконсультлар корхонанинг молия ва хўжалик фаолиятининг барча йўналишларида ҳуқуқий масалаларни хал қилишда; шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш ишларида; уларнинг ишларини суд, давлат ва идоравий арбитражда, бошқа муассасаларда юритишда иштирок этиши; янги қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатлар тўғрисида ахборот бериб бориши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1963 йил 20 сентябрдаги 551-сонли қарори билан “Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юридик (шартнома-юридик) бўли-ми, (бюроси), бош (катта) юрисконсульт, юрисконсульт тўғрисида Намунавий Низом” тасдиқланган.

Ўларда республика вазирлик ва идораларига, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига мазкур Намунавий низом асосида ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг юридик хизматлари тўғрисида Низомларни тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Намунавий низомнинг 1-бандида қуйидагилар юридик хизматнинг асосий вазифалари қилиб белгиланган: корхона, муассаса, ташкилот фаолиятида қонунчиликни мустаҳкам-лаш, уларнинг фаолиятини яхшилашда ва мулкни сақлани-шини таъминлашда ҳуқуқий воситалар ёрдамида фаол иш-тирок этиш.

Низомда юридик хизмат ходимларининг мажбуриятлари билан бир қаторда ҳуқуқлари ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, Низомнинг 7-

бандига мувофиқ юридик хизмат ходими ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни корхонанинг барча таркибий тузилмаларидан олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

XX-асрнинг 60-80 йилларида республикамизда 20 га яқин юридик хизматга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб талабалар уларни мукамал ўрга-нишлари керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Ўзбекистон ССР вазирликлар ва идоралари юридик хизматлари фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг ахволи ва уни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Сирдарё вилояти меҳ-наткашлар депутатлари Совети ижроия қўмиталарида ҳуқуқий ишларнинг ахволи тўғрисида”ги, “Республика вазир-ликлари ва идораларида ҳуқуқий ишларни кучайтириш тўғрисида”ги, “Республика қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг ахволи тўғрисида”ги, “Республика халқ хўжалигида хўжалик ва меҳнат қонунчилигига риоя қилишни таъминлашда юридик хизматлар ролини ошириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида”ги ва бошқа қарорлари шулар жумласидандир.

1985-1990 йилларда республикамизда юридик хизмат ва ҳуқуқий ишлар тўғрисида махсус норматив ҳужжатлар қабул қилинмаган ва давлат бошқарув органлари ва корхоналар илгари қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатганлар.

2-§. Ёзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юридик хизмат тўрисида қабул қилинган норматив хужжатлари

Талабалар Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб бир қатор қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар қабул қилинганлигига эътибор қаратишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўрисида”ги Фармони юридик хизмат тўрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, унда биринчи марта Адлия вазирлигига юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш вазифалари юклатилган.

Иқтисодиётдаги чуқур ўзгаришлар, бошқарув тизимини ислох қилиш юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, корхоналар юридик хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш, қонунчиликни таъминлаш борасида уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўрисидаги Низом”** ни тасдиқлади.

Ушбу Низом – мустақил Ўзбекистон Республикасининг юридик хизмат ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи биринчи норматив хужжати бўлиб, у 12 бандни қамраб олган қуйидаги 3 бўлимдан иборат: 1) юридик хизмат ходимлари лавозимини эгаллаш тартиби; 2) бошқарув органлари ва корхоналар юридик хизматининг вазифалари; 3) юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти.

Мазкур Низом нафақат давлат бошқарув органлари ва корхоналари юридик хизматининг, балки барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар юридик хизматининг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятларини белгилайди.

1997 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўрисида”ги қонуннинг 3-моддасида қонун лойиҳаларини тайёрлашга халқ хўжалиги тегишли

тармоқларининг юридик хизматлари жалб қилиниши кўрсатиб ўтилди. Бу билан юридик хизматнинг қонун ижодкорлигидаги иштироки қонун даражасида мустахкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида” 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги 177-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Иқтисодий ночоркорхоналар ишлари қўмитаси билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя қилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан жойларда амалий ишлар олиб борилишини таъминлаш, бунда юридик хизматлар ўрнини мустахкамлашни, барча қонун ҳужжатларининг амал қилишини ва хўжалик судлари қарорларининг сўзсиз ижро этилишини назарда тутишлари лозимлиги таъкидланди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик-молиявий фаолиятига давлат органлари томонидан асоссиз аралаштиришларни олдини олиш мақсадида қонун ва бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда юридик хизматга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш иилишни тўғрисида”ги** - кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоларининг ишлаб чиқариш ва молия фаолиятларини барча текширишлар Палата ва унинг ҳудудий тузилмалари юридик хизматларининг мажбурий иштирокида амалга оширилиши қайд қилинган.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуқлари **Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги** қонунида аниқ белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан **2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонунида норматив-

хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги, ҳуқуқий эксперт-тиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-лиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида” ги 370-сонли қарори билан Адлия вазир-лиги ҳақидаги Низомни тасдиқлади. Низомда хўжалик юри-тувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузиш ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартно-ма интизомини мустаҳкамлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Шунингдек юридик хизматларни ривожлантириш бўйича унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши, Адлия ва Молия вазирликлари томонидан қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларда ҳам юридик хизмат вазифалари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, республикада амалда бўлган юридик хизмат, ҳуқуқий ишлар ва унга услубий раҳбарлик қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришга давлатимизнинг қонунчиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлари томонидан катта эътибор берилмоқда.

Аммо юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари юқорида айтилганидек турли даврларда қабул қилинган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Дастлаб қабул қилинган ҳуқуқат қарор-лари ва Низомларга кейинчалик қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган тегишли қўшимча ва ўзгартишлар ўз вақтида киритилмаган. Шунингдек маҳаллий ҳокимият органлари юридик хизмати ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив ҳужжат эса ҳозир-гача қабул қилинмаган. Амалдаги “Ўзбекистон Республика-сининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом” ҳозирги давр талабига жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш икки босқичда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи босқичда - амалдаги юридик хизмат тўғриси-даги Низомга кейинчалик қабул қилинган қонунлар ва ҳуку-мат қарорларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгар-тишлар киритиш ҳамда махаллий ҳокимият органлари юри-дик хизмати тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган Низом қабул қилиш.

Иккинчи босқичда - Олий Мажлис томонидан Юридик хизмат тўғрисида қонун қабул қилиш.

Мазкур қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари барча бўлинлари, республика ва вилоятлар хўжа-лик бошқарув органлари (компания, корпорация, уюшма ва х.к.), барча мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматлари, хўжаликлараро юридик хизматларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, юридик хизмат ходим-ларини лавозимларига тайинлаш ва озод қилиш тартиби, юридик хизматга раҳбарлик қилиш шакл ва услублари белгиланиши лозим.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Юридик хизмат тўғрисидаги 1920-1990 йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига умумий тавсиф беринг

2. ЁзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 9 июндаги “Давлат муассасалари, корхоналари ва коопера-тив ташкилотлар юрисконсултлари тўғрисида”ги 38-сонли қарорининг аҳамияти нимада?

3. Умумлаштирилган сектордаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юрисконсултлари (ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчилар) тўғрисида Низомнинг мазмунини гапириб беринг.

4. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юридик (шартнома-юридик) бўлими (бюро), бош (катта) юрис-кон-сульти, юрисконсульти тўғрисида Намунавий низом моҳиятини тушунтиринг.

5. Ёзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юри-дик хизмат тўғрисида қабул қилган норматив ҳужжатларига умумий тавсиф беринг

6. Ёзбекистон Республикаси Президентининг ”Ёзбекис-тон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 1992 йил 8 январдаги фармонининг юридик хизматни ривожлантиришдаги аҳамияти нимада?

7. Юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қандай қонунларни биласиз?

III-MAВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ ТИЗИМИ

РЕЖА

1. Давлат хокимияти ва бошқаруви Олий органларининг юридик хизмати.
2. Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати.
3. Вилоят, шаҳар, туман хокимликларининг юридик хизмати.
4. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизмати.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Ўзукуматининг қарорлари тўплами. 1993, № 3, 8-м.)
2. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат-норматив хужжатлар тўплами /Т."Адолат", 1994.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёрори «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжа-лик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари хақида» //Ўзбекистон Респуб-ликаси Ўзукуматининг қарорлари тўплами 1998, № 4, 17-м.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти тўғрисида Низом / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Ахборотномаси, 2000, № 4, 130-модда.
5. Отахонов Ф. Корхоналар фаолиятида юридик хизмат-нинг ахамияти /"Ўаёт ва қонун" журнали, 2001 йил 6-сони, 73-74 бетлар.

6. Отахонов Ф. Ёзбекистон Республикасида юридик хизмат-ўқув қўлланмаси /Тошкент, ТДЮИ, 2003 йил, 140 бет.

7. Халилов Ф. Махаллий давлат хокимияти органларида юридик хизматни ташкил этиш /Магистр даражасини олиш учун диссертация 2003 йил.

1-§. Давлат хокимияти ва бошқаруви Олий органлари юридик хизмати

Ушбу мавзунини ўрганишда талабалар юридик хизматни тизимга солишнинг ахамияти нимадан иборатлигига алоҳида эътибор беришлари лозим бўлади.

Юридик хизмат халқ хўжалигининг барча тармоқларида, ишлаб чиқариш ва хўжаликни бошқаришнинг барча бўлиmlарида, вазирлик, идора, уюшмаларда, барча мулк шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек хокимликлар, давлат хокимияти ва бошқарувининг олий органларида ҳам мавжуд. Бироқ, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ҳуқуқий ишлар хусусиятлари, ҳажми ва йўналишлари турличадир. Шу сабабли турли давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг моҳиятини аниқлашда ушбу масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Юридик хизмат тузилиши, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, улар 4 гуруҳга ажратилган.

Давлат хокимияти ва бошқаруви Олий органлари юридик хизматларининг (Ёзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг юридик бўлиmlари, Ёорақалпо2iston Республикаси Жўқор2и Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг юридик бўлиmlлари) айрим жиҳатларига тўхталамиз.

“Ёзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тў2ри-сида”ги Ёзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига, Ёзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти ҳамда Ёзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тў2рисидаги Низомга мувофиқ Ёзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Олий Мажлиси Кенгашининг, қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятига хизмат кўрсатиш Ёзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юридик бўлими Котибият таркибига киради. Юридик бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2000 йил 18 апрелдаги 53/1-II сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти тўғрисида Низом”нинг 9-бандида белгиланган бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси - юридик хизматнинг Олий Мажлис фаолиятида қонунчиликни таъминлаш функциялари, иккинчиси - ташкилий функциялари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг ҳуқуқий мақоми “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонун, бошқа норматив ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 1999 йил 2 февралда тасдиқланган Низом билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор-лари, фармойишлари ва баённома шаклидаги қарорлари лойиҳаларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш;

Олий Мажлисга тақдим қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган қонун лойиҳаларини ҳуқуқий жихатдан қайта кўриб чиқиш;

қонунчилик ва норматив ҳужжатларни тартибли хисо-бини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Прокуратурси, Адлия вазирлиги фаолиятида уларнинг моддий техника таъминоти бўйича юзага келган ва ҳуқумат қарори билан хал этилиши талаб қилинадиган масалаларни раҳбарият муҳока-масига киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Жўқор²и Кенгеси юридик хизмати давлат-ҳуқуқ бўлими деб номланган бўлиб, унинг вазифалари, ҳуқуқлари ва масъулияти Ўзбекистон Республикаси Жўқор²и Кенгеси Президиумининг 2001 йил 24 апрелдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Жўқор²и Кенгеси Котибияти тўғрисида Низом” белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жўқор²и Кенгеси давлат-ҳуқуқ бўлимининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юридик бўлимининг функцияларига ўхшашдир.

Ўрақалпо²истон Республикаси Вазирлар Кенгашида юридик хизмат вазифаларини бажариш Ўрақалпо²истон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Котибиятининг ҳуқуқий масалалар, сарфарбарлик ва сарфарбарликда вазиятлар бўйича гуруҳи зиммасига юкланган. Мазкур гуруҳ ходимларининг хизмат вазифалари Ўрақалпо²истон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан белгиланган. Гуруҳ жумладан қуйидагиларни амалга оширади: Вазирлар Кенгаши тармоқ бўлимлари томонидан давлат ва шартнома интизомига риоя қилиш, ўзгалар мулкани талон-тарож қилишга, сифатсиз маҳсулотлар чиқарилишига, маъмурий, меҳнат, уй-жой ва бошқа қонунчиликнинг бузилишга қарши курашни ташкил қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш; Ўрақалпо²истон Республикаси Вазирлар Кенгашининг барча қарор ва фармойишлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг амалда қонунчи-лигига мувофиқлигини таъминлаш; қарор ва фармойишлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва виза қўйиш, амалдаги қонунчиликни ҳамда вазирликлар ва идораларда, шаҳар, туман ҳокимиятларида ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш; шаҳар, туман ҳокимиятларида юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва х.к.

2-§. Республика ва маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати

Республика давлат бошқарув органларига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, со²лиқни сақлаш вазирлиги, давлат солиқ қўмитаси, ер ресурслари давлат қўмитаси, давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, “Ўзкоммунхиз-мат” агентлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва х.к.

Маҳаллий давлат бошқарув органларига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг Ўрақалпо²истон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари, бирлашмалари, бўлимлари киради. Жумладан, Ўрақалпо²истон Республикаси ва вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, Ер ресурслари вилоят бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, ҳудудий ком-

мунал-фойдаланиш бирлашмалари, автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг худудий бўлимлари ва бошқалар мисол бўла олади.

Республика хўжалик бошқарув органлари деганда уюш-малар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа-лар тушунилади. Масалан, “Ўзбекистон темир йўллари” дав-лат-акциядорлик компани-яси, “Ўзбекнефтгаз” миллий хол-динг компанияси, “Ўзбек ипаги” уюшмаси, “Ўзбекчармпо-йабзал” уюшмаси, “Ўздонмахсулот” давлат акциядорлик корпорацияси, “Ўзбалиқ” акциядорлик компанияси, “Ўз-қишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компания-си ва бошқалар.

Махаллий хўжалик бошқарув органларига уюшмалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар таркибига кирув-чи Ёорақалпо²истон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бирлашмалари, уюшмалари ва х.к. киради. Маса-лан, Ёорақалпо²истон Республикаси ва вилоятлар “Пилла” акциядорлик бирлашмалари, “Тошкентнон” уюшмаси ва бошқалар.

Бошқарув органлари фаолиятида қонунчиликни таъ-минлаш, тармоқдаги ҳуқуқий ишлар ахволини яхшилаш мақсадида кўпчилик вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва бошқа органларда юридик хизмат ташкил этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқа-риш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмита-сида - шартнома-ҳуқуқ бошқармаси, Ёишлоқ ва сув хўжа-лиги вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ва “Ўзбекистон хаво йўллари” миллий авиакомпаниясида юридик бошқарма, Давлат божхона кўмитасида ҳуқуқий бошқарма, Давлат солиқ кўмитасида ҳуқуқий бўлим тузилган, Со²ликни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясида-етакчи назоратчи юрист, “Ўзбалиқ”, “Ўзбекэнерго” ва “Ўзқишлоқ-хўжаликмашлизинг” акция-дорлик компанияларида-юрисконсуьлт лавозимлари штат жадвалида назарда тутилган. Шунингдек махаллий бошқарув органлари тузилмасида ҳам юридик хизмат ходимлари лавозими штатлар жадвалига киритилган.

Аммо кейинги йилларда тармоқ хўжалик бошқарув органлари томонидан юридик хизмат ходимлари лавозимларини қисқартириш ёки бутунлай штат жадвалига киритмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Натижада мазкур органлар фаолиятида қонун бузилишига йўл қўйиш ва ҳуқуқий ишларга раҳбарлик қилиш умуман олиб борилмаслик ҳолатлари одат тусига кириб бормоқда.

Юқорида қайд этилган барча органларнинг юридик хизмати томонидан олиб бориладиган вазифалар амалга ошириш доираси бўйича иккита гуруҳга бўлинади. Биринчиси – юридик хизмат вазифаларини бевосита бошқарув органининг марказий (ижроия, ишчи) аппаратида амалга ошириш, иккинчиси – бошқарув органига бўйсунувчи ёки таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига рахбарлик қилиш.

3-§. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳуқуқий иш-ларни амалга ошириш учун юридик хизмат ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарори билан маҳаллий ҳокимият органларининг ишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасида штатда белгиланган ходимлар сони доирасида юрист лаво-зими назарда тутилиши лозимлиги белгиланган.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти эса ҳуқуқий ишларни олиб бориш ўзидан муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва факултетада вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ зиммасига юклатилган. Мазкур гуруҳ иш фаолиятини вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими йўналтиради ва назорат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 28 майдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган “Тошкент шаҳар ҳокими, унинг ўринбосарлари, ишлар бошқарувчиси, гуруҳ ва бўлим раҳбарлари ўртасидаги хизмат вазифалари тақсимооти” ва “Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси ходимларининг хизмат вазифалари тўғрисида йўриқнома” тасдиқланган бўлиб, унда ҳокимиятнинг барча ходимлари хизмат вазифалари белгиланган.

Юқорида қайд қилинган гуруҳга юридик хизмат фаолиятига тааллуқли бўлган қуйидаги вазифалар юклатилган: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва шаҳар ҳокими қарор ва фармойишлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, ҳуқуқий баҳолаш ва имзолаш, зарурият бўлганда шаҳар ҳокими-мига унинг қарор ва фармойиш лойиҳалари юзасидан таклифлар киритиш; шаҳар ҳокимининг кўрсатмасига мувофиқ туман ҳокимларининг қарор ва фармойишларини амалдаги қонунлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва шаҳар ҳоки-

ми қарорларига мос келишини ўрганиб чиқиш ҳамда ноқонуний ҳолатлар бўйича тегишли таклифлар киритиш; шаҳар ҳокими томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар бўйича шаҳар ҳокими кўрсатмаси билан тушунтиришлар бериш; халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси ва шаҳар ҳокимига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муҳофаа ишлари ва фавқулодда вазиятлар бўйича бошқарма-ларнинг фаолиятлари билан боʻлиқ ҳужжатлар лойиҳа-ларини тайёрлаш, шунингдек қайд этилган органларни Тошкент шаҳар ҳокимияти ўртасидаги муносабат ва ишларини мувофиқлаштириш; халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига ҳамда шаҳар ҳокими маҳкамаси ходим-ларига уларнинг иш фаолиятига зарур бўлган масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш; шаҳар ҳокимияти олиб бораётган қонунийликни таъминлашга доир тадбирларни тайёрлашда ва амалга оширишда иштирок этиш; ўз ваколати доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларида Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш.

Одатда мазкур гуруҳга юклатилган юқоридаги вазифа-ларни гуруҳ раҳбари ва гуруҳнинг бош мутахассиси бажа-ради. Гуруҳнинг барча ходимлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан лавозимларига тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сонли қарорига илова қилинган вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмасида ҳокимга бевосита буйсунувчи юрист лавозими назарда тутилган. Бу юристга ўз ваколати доирасига кирувчи барча масалаларни ва ҳуқуқий ишга оид муаммоларни тезкорлик билан хал қилиш имкониятини беради.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ҳуқуқий мақоми махсус норматив ҳужжат билан эмас, балки қоида тариқасида ҳокимият юридик хизмат ходимининг хизмат вазифалари белгиланган ҳужжатда назарда тутилади. Юридик хизмат ходимларининг асосий вазифаси ҳокимлик фаолиятида қонунчиликни таъминлашдан ва бошқа ҳуқуқий ишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилашдан иборатдир.

4-§. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар

юримдик хизмати

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада, акциядорлик жамиятлари билан бир қаторда хусусий ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг сони бир неча юз бараварга кўпайди. Уларнинг фаолиятида қонунчиликни таъминлаш, шартнома ва меҳнат интизомига риоя қилиш устидан назорат қилиш, мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ҳамда бошқа ҳуқуқий ишларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо, корхона ва ташкилотлар штат жадвалида назарда тутилган юридик хизмат ходимларининг сони жуда озчиликни ташкил этади. Ҳозирги кунда фаолият юритаётган корхоналарни фақатгина икки фоизи доимий юридик хизмат олиш имкониятига эга холос. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари мавжуд.

Объектив сабаблари жумласига – юристлар сонининг республикамизда камлиги, барча корхоналарда ҳам доимий равишда юридик хизмат ходимларига ҳақ тўлаш имконияти йўқлиги, шунингдек юридик хизмат ходимлари маошларининг камлиги; субъектив сабабларга эса – корхона раҳбарларининг юридик хизматга юзаки қараб уни мустаҳкам-лашга эътибор бермаслиги, юристларнинг кўпчилигида асосан прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаш иштиёқи кўплиги ва юридик хизматга беписандалик билан қараши киради.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар юридик хизмати ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда уларга раҳбарлик қилиш масалалари кейинги мавзуларда батафсил ёритилган.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви Олий органлари юридик хизматининг ҳуқуқий ҳолати қандай норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади?

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти тўғрисида Низомда юридик бўлимнинг қандай ҳуқуқ ва вазифалари белгиланган?

3. Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати деганда нимани тушунасиз?

4. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати ходимларини лавозимларига тайинлаш тартиби қандай?

5. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида юридик хизмат тўғрисида қабул қилган норматив ҳужжатларига умумий тавсиф беринг

6. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизмати ҳозирги ҳолатига умумий тавсиф беринг.

Ў-МАВЗУ: ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ҲУЎҲИЙ ҲОЛАТИ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

РЕЖА

1. Юридик хизмат ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби.
2. Юридик хизматнинг вазифалари.
3. Юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти.
4. Юридик хизматга раҳбарлик қилиш.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги йонуни (1997 йил 30 август № 482-І)

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуіуіий базаси тғрисида”ги йонуни (1998 йил 29 август № 670-І)

3. Ўзбекистон Республика Адлия вазирлиги ҳақидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Ёнун хужжатлари тўп-лами. 2003, № 15-16, 138-м.)

4. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат-норматив хужжатлар тўплами /Т."Адолат", 1994

5. Отахонов Ф. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат-ўқув қўлланмаси/Тошкент, ТДЮИ, 2003 йил, 140 бет.

6. Отахонов Ф. "Конституция ва адлия органларининг юридик хизматни ривожлантиришдаги роли /Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-фуқаролик жамияти ва ҳуқу-қий давлатни шакллантиришнинг асоси / Илмий-амалий анжуман материаллари) /Тошкент, 2003 йил, 94-98 бетлар

7. Отахонов Ф. Конституция ва юридик хизматнинг ҳу-қуқий ҳолати (Конституция ва фуқаролик жамиятини шакл-лантиришнинг долзарб муаммолари" - Илмий-амалий кон-ференция материаллари) /Тошкент, 2003 йил, 159-162 бетлар.

1-§. Юридик хизмат ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми аниқлаб олиш талабалар учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хушўй базаси тўриси-да"ги йонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли йарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Респуб-ликасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўрисидаги Низом" ва бошқа бир йатор йонунлар ва норматив хужжатларда юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб йғийилган.

Шунингдек, юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми тегишли тармоқ ва корхоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички низомлар, юридик хизмат ходимларининг мансаб йўриқномалари ва бошқа ҳу-қуқий хужжатлар билан ҳам белгиланиши мумкинлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Низомга мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бошқарув органларида ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарда юрисконсулт бўлиб ишлаши мумкин ва улар бу лавозимга тегишли бошқарув органлари ва корхоналар раҳбарлари томонидан тайинланадилар. Вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва республика-

нинг бошқа бошқарув органи юридик бўлинмасининг бошлиги²и ёки юрисконсулт лавозимини эгаллаш учун камида 5 йиллик юрисконсулт иш стажига эга бўлиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорида туман ва шаҳар ҳокимлари аппарати тузилмасидаги юрисконсултлар лавозимига Ўрақалпо²истон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бош-қармалари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимлар томо-нидан тайинланиши белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка кўра давлат бошқарув органлари ва корхоналар, ёш мутахассислар ва хомиладор аёллардан ташқари, барча юридик хизмат ходимларини 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, Ўра-қалпо²истон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармаларига қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш учун юборишга мажбурдирлар.

Юридик хизмат ходими аттестациядан ўта олмаса, у 6 ой муддатдан сўнг яна қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиш учун юборилиши мумкин. Агар юридик хизмат ходими аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлса, у Ўрақалпо²истон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари комиссияларининг қарорлари юзасидан Ўзбекистон Респуб-ликаси Адлия вазирлигига арз қилиш ҳуқуқига эга.

2-§. Юридик хизматнинг вазифалари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан қуйидаги-лар юклатилган:

а) корхона ишинининг ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади; бўлинмаларнинг ўзаро муносабатларини ва бў-линмаларнинг иқтисодий жавобгарлигини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, корхонанинг ишлаб чиқа-риш-хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг бошқа масала-ларини тайёрлаш ва жорий қилишда иштирок этади;

корхонада белгиланган ички хўжалик даъволарини кўз-²аш ва кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

иқтисод, молия, ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа бўлинмалар билан биргаликда корхонанининг хўжалик фаолияти натижаларини иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил қилади, самарасиз харажатларнинг тарки-

бини ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, баланс хисобидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганади, суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблаълари ва товар-моддий бойликларнинг камомати ва уларни ўзриллашлар бўйича материалларни расмийлаштиради;

б) қонунчилик актлари, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатларини, корхона маҳаллий норматив актларининг тартибга солинган хисобини ва сақланишини ташкил этади; бошқа бўлиналар билан биргаликда корхонанинг идоравий ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради;

в) корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди.

Корхона ҳуқуқий актларини, уларнинг амалдаги қонун-га мувофиқлиги тўғрисидаги юридик хизматнинг визаси бўлмаса, чиқарилишига йўл қўйилмайди;

д) хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибга риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибга риоя этилишини назорат қилади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боʻлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боʻлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асосланган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

хўжалик шартномалари юридик хизмат ходимининг визасисиз (имзосисиз) тузилишига йўл қўйилмайди, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари юридик хизматнинг ёзма ҳулосасидан кейин-гина тузилиши мумкин;

е) судда, хўжалик судида, шунингдек, бошқа органларда ҳуқуқий масалалар кўрилатганда белгиланган тартибда кор-хона манфаатларини ҳимоя қилади; талабнома ишлари агар бошқа бўлинмалар томонидан олиб борилса, бу ишга раҳ-барликни амалга оширади;

ж) моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари, бузилишлари ва суиистеъмолликлар топилган тафтиш ва қайта рўйхатга олиш актлари бўйича ҳуқуқий ҳулосалар беради;

з) меҳнат жамоаси томонидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этишда, ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишига ёрдам беради; жамоа шартномасини тайёрлашда ва тузишда қатнашади, меҳнат жамоаси кенгашига, касаба уюшмаси қўмитасига ва бошқа жамоат ташкилотларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

и) юридик умумий ўқувни ташкил этишда ва уни амалга оширишда, ходимларни амалдаги қонунлар билан таништиради, уларни қўллаш тажрибасини тушунтиради;

к) корхона фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳолларини олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш учун раҳбарни хабардор қилади.

3-§. Юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти

Юридик хизмат ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун қонунчилик ҳужжатларида уларнинг ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, 1993 йилги Низомнинг 10-бандига мувофиқ юридик хизмат қуйи-даги ҳуқуқларга эга:

а) давлат бошқарув органи, корхона, тузилма бирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишининг ахволи билан танишиш; тафтиш ўтказишларда ва қайта рўйхатга олишларда қатнашиш;

б) мансабдор шахслардан давлат бошқарув органларида, корхоналарда белгиланган тартибда ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисобкитоблар ва ўз бурчларини бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни олиш;

в) раҳбариятга қонун бузишларнинг бартараф этиш, келтирилган зарарни қоплаш, амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминлаган ёхуд бузаётган бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарларини, бошқа ходимларни жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар тақдим этиш;

г) давлат бошқарув органи ва корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ юридик хизмат томонидан ўтказиладиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг ходимларини жалб этиш;

д) давлат бошқарув органи, корхона раҳбарияти томонидан чақириладиган хайъат мажлисларида, тегишли кенгашларда иштирок этиш.

Муайян ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга юридик хизмат ўзига юклатилган мажбуриятларни бажарилиши учун, юридик хизмат бошлиғи эса юридик хизмат фаолияти ва ўзига юклатилган функцияларни бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Юридик хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ушбу Низомда кўзда тутилган вазифаларни бажармаганликлари учун интизомий ва моддий жавобгардирлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари давлат бошқарув органлари, корхоналарнинг юридик хизмат ходимларини ўтказиладиган текширишлар натижалари бўйича улар ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидирлар.

Юридик хизмат ходимларига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган бошқа ишларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

Юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга мансабдор шахслар томонидан қаршилик кўрсатилиши оқибатида қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етса, бундай мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича юридик жавобгарликка тортиладилар.

4-§. Юридик хизматга раҳбарлик қилиш

Бозор иқтисодиётини шакллантириш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш жараёнлари мураккаб ҳуқуқий масалаларнинг юзага келиши ва уларни ҳал қилиш зарурияти билан ҳамма вақт бўлиб қолди. Корхоналар бу борада жиддий қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар, юридик хизмат ёрдамига жуда муҳтож бўлмоқдалар. Бу борада услубий раҳбарлик муҳим рол ўйнайди, у ҳуқуқий ишни ташкил қилиш ва юретишнинг энг самарали усул ва услубларини

белги-лаши лозим. Адабиётларда таъкидланганидек, ҳуқуқий ишга, шу жумладан корхоналар юридик хизматига услубий раҳ-барлик икки шаклда: идоравий (тармоқ) ва идоралараро раҳбарлик шаклида амалга оширилади. Идоравий раҳбар-ликни бошқарув органи аппаратининг юқори функционал бў²имлари худди шу бошқарув аппаратининг қуйи бў²им-ларига нисбатан амалга оширади, идоралараро раҳбарликни махсус вазирликлар ва бошқа идоралар (масалан, Адлия Вазирлиги) амалга оширади.

Юридик хизматга раҳбарлик қилишнинг ҳуқуқий асослари юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқарув органларининг таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларда белгиланган.

Юридик хизматга идоравий (тармоқ ичида) раҳбар-лик қилиш. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва Адлия вазирлиги томонидан юридик хизматга раҳбарлик қилиш шароитлари ва услублари бир хил эмас. Шу билан бирга бу ишларни амалга ошириш шаклларида кўп умумийликлар бор. Бу вазифани бажаришда республика ва маҳал-лий давлат ва хўжалик бошқарув органлари юридик хизмат-ти томонидан қуйи идора ва ташкилотларнинг юридик хизматига нисбатан амалга ошириладиган услубий раҳбарлик билан чегараланмайди. Ёрамо²идаги корхона ва ташкилот-ларнинг бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига раҳ-барлик қилиб, хўжалик бошқарувининг тармоқ идоралари тармоқда ҳуқуқий ишга ҳам раҳбарлик қилишади. Масалан, Ёишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тў²рисидаги Низомда вазирлик ўз тизимида ҳуқуқий ва ҳуқуқий тарбия иши тад-бирларини ишлаб чиқиш ва назорат қилишни таъминлаши белгиланган.

Юридик хизмат тў²рисидаги Низомга мувофиқ бошқа-рув органининг юридик хизмати вазирлик, идора ва бошқа бошқарув органи тизимидаги ҳуқуқий ишларга раҳбарликни амалга оширади; ўзига қарашли корхоналарда бу ишларнинг ахволини текшириб боради; вазирлик, идора, бошқа бошқа-рув органи раҳбариятига, хайъатига ҳуқуқий ишларни тако-миллаштириш юзасидан таклифларни муҳокама қилиш учун киритади; вазирлик, идора, бошқа бошқарув органлари тизимидаги ҳуқуқий ишларнинг ва юридик хизмат фаолиятининг ижобий тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради, унинг амалда татбиқ этилишига кўмаклашади; ҳуқуқий ишлар ва юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсат-

малар ишлаб чиқади; корхоналарда юридик умум ўқувни ташкил қилишда тармоқ юридик хизматига ёрдам кўрсатади.

Вазирлик, идора, ва бошқа бошқарув органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомларда ушбу нормалар тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янада аниқроқ акс эттирилган.

Юридик хизмат фаолиятига раҳбарлик қилишнинг асосий йўналишлари, жумладан, қуйидагилардан иборат:

-услубий кўрсатма ва тавсияномалар ишлаб чиқиш ва йўллаш;

-тармоқда мавжуд бўлган ҳуқуқий ишнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва ёйиш;

-корхоналарда ҳуқуқий ишлар ахволи ва юридик хизмат фаолиятини текшириш, аниқ чоралар кўрилиши учун таклифлар киритиш;

-корхоналар юридик хизмати ходимлари билан семинар-кенгашлар ўтказиш, шунингдек юридик хизмат ходимларининг марказий (ишчи) аппаратнинг бошқа таркибий бўлинмалари ўтказадиган семинар ва йиғилишларда қатна-шишини таъминлаш;

-намунавий хўжалик шартномалари, услубий тавсияномалар ва адлия органларининг норматив ҳужжатлари билан таъминлаш;

-корхона ва ташкилотлар юридик хизмати иши тўғрисида ахборот талаб қилиш;

-жойларга борган ҳолда энг мураккаб ҳуқуқий масалалар (хўжалик ва меҳнат низолари) бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

-бошқа бўлинмалар билан биргаликда юрисконсултлар малакасини ва тармоқ хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ишини олиб бориш.

Юридик хизматга идоралараро (адлия органлари томонидан) раҳбарлик қилиш тартиби ва ахамияти.

Юридик хизмат фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти унга услубий раҳбарлик қилиш ҳисоб-ланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ Адлия вазирлиги: халқ хўжали-гида ҳуқуқий ишни мувофиқлаштиради, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади; ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш амалиётини текширади ва таҳлил қилади; давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий иш тажрибасини ёйиш, юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради; юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказди.

Республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам идоралараро олиб бориладиган ҳуқуқий ишга услубий раҳбарликнинг самарали шаклларида бири хисоб-ланади. Чунки, Адлия вазирлиги республика бошқарув ор-ганлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал қила туриб, бир вақтнинг ўзида юқоридаги органларга ва уларнинг юридик хизматларига ҳуқуқий ижод фаолиятида юридик ёрдам кўрсатади.

Юклатилган вазифаларни ва юқоридаги функцияларни бажариш учун Адлия вазирлиги: вазирликлар, давлат қўми-талари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юридик хизматлари фаолиятини текшириш; улардан амалга оширилган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш; уларнинг раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган камчиликларни йўқотиш тўғрисидаги тақдимномаларни киритиш; қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби давлатга ёки корхона, муассаса, ташкилотга етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масаласи билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Юридик хизмат тўғрисидаги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари ўтказилган текшириш натижаларига кўра ўз хизмат вазифаларини бажармаганликлари учун давлат бошқаруви идоралари, корхоналар юридик хизмати ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш, шунингдек Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга қаршилик кўрсатувчи мансабдор шахслар, бунинг оқибатида қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етса, юридик жавобгарликка тортиладилар.

Адлия вазирлигининг республика халқ хўжалигида ҳуқуқий иш ва юридик хизмат фаолиятини яхшилаш масалалари бўйича йўриқнома ва кўрсатмалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса, ташкилот, ширкат хўжаликлари ва фуқаролар учун мажбурий хисоб-ланади.

Республика ҳукумати сўнгги пайтларда Адлия вазирлиги ва унинг идораларига бошқарув идоралари ва корхоналарнинг ҳуқуқий иши ва юридик хизматига раҳбарлик соҳасида кенг ваколат ва ҳуқуқлар берди.

Идоралараро услубий раҳбарлик функцияларини бажариш учун республика Адлия вазирлиги тузилмасида бу функция вазирликнинг Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси томонидан амалга оширилмоқда.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Юридик хизмат ходимлари лавозимини эгаллаш тартиби қандай?
 2. Юридик хизмат ходимлари қайси орган томонидан аттестациядан ўтказилади?
 3. Юридик хизмат вазифалари нималардан иборат?
 4. Юридик хизматга қонунчиликда қандай ҳуқуқлар берилган?
 5. Юридик хизмат ходимлари ўз вазифаларини бажармаганларида қандай жавобгарликка тортилишлари мумкин?
 6. Юридик хизматга раҳбарлик қилишнинг ахамияти нимада?
-

Ҳ-МАВЗУ:

ХўЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ЮРИДИК ХИЗМАТИ ҲАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҲАНАЛИШЛАРИ

РЕЖА

1. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳаолиятида қонунчиликни таъминлашда юридик хизматнинг роли.
2. Юридик хизматнинг хўжалик шартномалари (контрактлар) тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги иштироки.
3. Юридик хизматни талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва корхонанинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли.
4. Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш.

5. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ёзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хушувий базаси тўғрисида”ги қонуни (1998 йил 29 август № 670-І)

2. Ёзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом (Ёзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993, № 3, 8-м.)

3. Ёзбекистон Республикаси халқ хўжалигида юридик хизмат-норматив ҳужжатлар тўплами /Т. “Адолат”, 1994

4. Тадбиркорлик ҳуқуқи (умумий қисм)“-дарслик /XIV боб. 505-536 бетлар/-“Консаудитинформ” Агентлиги наш-риёти, Тошкент, 2002 йил

5. Отахонов Ф. Халқ хўжалигида юридик хизмат: талабнома-даво ишларини юритиш / Тошкент, “Адолат”, 1997 йил, 200 бет (Ўзбек ва рус тилларида)

6. Отахонов Ф. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш-даги роли /“Ёзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журна-ли, 2001 йил 7-8-сон, 25-27 бетлар.

7. Отахонов Ф. Юридик хизматнинг хўжалик шартнома-ларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли / “Хўжалик ва хушув” журна-ли, 2001 йил 10-сон, 26-33 бетлар.

8. Отахонов Ф. Ёзбекистон Республикасида юридик хизмат-ўқув қўлланмаси/ Тошкент, ТДЮИ, 2003 йил, 140 бет.

9. Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш масалалари/Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари /Илмий-амалий кон-ференция материаллари)/Тошкент, 2003 йил, 30-40 бетлар.

1-§. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчиликни таъминлашда юридик хизматнинг роли

Талабалар юридик хизматнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчиликни таъминлаш борасидаги ишлари – унинг

энг мухим вазифаларидан бири хисобла-нишини назарда тутган холда уни чуқур ўзлаштиришга ха-ракат қилишлари лозим бўлади ва бунинг учун уларга юқо-рида келтирилган ҳамда бошқа адабиётлар билан танишиш-лари тавсия қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати бу соҳадаги фаолияти қуйидаги функцияларни - ташкилий, назорат, ҳуқуқий тарбия, ахборот-маълумотнома ишларини - олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг ташкилий функцияси - унинг қонунчиликни таъминлаш бўйича ташкилий ишлари, шу-нингдек ҳуқуқий ишлар даражасини янада ривожлантиришга қаратилган тадбир-ларни ишлаб чиқишда ўз ифодасини топади.

Юридик хизматнинг назорат функцияси - у бажара-диган вазифалар хажми ва ваколат доираси бўйича асосий функция хисобланади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тааллуқли бўлган барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини, шу жумладан юқори бошқарув органлари норматив ҳужжатлари, корхона локал ҳужжатлари ижроси устидан назоратни олиб боради.

Юридик хизматни назорат функцияси - ички идоравий назоратнинг таркибий қисми хисобланиб, у қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади.

1. Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъект раҳба-рига имзолаш учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг таркибий бўлинма-лари раҳбарлари томонидан чиқарилган ва юридик кучга кирган ҳуқуқий ҳужжатларини қонунга мувофиқлиги нуқ-таи назаридан текширади.

3. Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгар-тириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади.

4. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларида қонунчиликка риоя қилинишини ўрганади ва умумлаштиради.

Раҳбарлар ва ходимларни ҳуқуқий тарбиялаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчиликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Юридик адабиётларда ҳуқуқий тарбиялашнинг

қуйидаги асосий шакллари фарқланади: ҳуқуқий таълим (ўқитиш ёки ўқиш); ҳуқуқий тартибот (о²заки ва оммавий ахборот воситалари орқали); қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири; ҳуқуқий таш-виқот, ҳуқуқий ахборот бериш, шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш.

Юридик хизматнинг маълумотнома-ахборот фаолияти ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) норматив ҳужжатлар фондиди ташкил қилиш;

б) таркибий бўлинмаларни норматив ҳужжатлар матни билан таъминлаш;

в) норматив ҳужжатлар матнига ўзгартириш ва қўшим-чаларни киритиб бориш, бекор қилинган норматив ҳужжат-ларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш;

г) хўжалик, жиноят ва фуқаролик судлари амалиёти материалларини йиғиш;

д) амалдаги қонунлар билан ходимлар, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотларини таништириш (бунда жумладан, компьютерлар, деворий газеталар, стендлар ва бошқа ахборот етказиш йўллари-дан фойдаланиш мумкин);

е) амалдаги қонунларни ва суд амалиётини қўллаш тартибиди тушунтириш.

Хулоса қилиб айтганда юридик хизматнинг корхона фаолияти-да қонунчиликни таъминлаш борасида олиб борадиган ишлари - қонун устунлигини -яъни давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқа-роларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриш-ларини таъминлашга хизмат қилади.

2-§. Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда иштироки

Бозор муносабатлари шароитида шартномалар - барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек тадбиркорлар, ҳам-да бошқарув органлари гртасидаги иитисодий муносабат-ларни грнатувчи асосий хуиуий ҳужжат бглиб хисобла-нади.

Шартномаларнинг етакчилик ролини хуиуий жихат-ларини ўрганиш учун талабалар аввало Ёзбекистон Республикасининг Фуиаролик кодекси ҳамда мулк; кооперация; ижара; тадбиркорлик фаолияти эркинликлари; дехион, фер-мер, ширкат хгжаликлари; акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг хуёуларини химоя иилиш; банклар ва банк фаолияти; чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг кафолатлари; хгжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуёуий базаси тгIрисидаги ионунларини мукаммал ўрганишга эътибор беришлари керак.

Корхонада шартнома-хукукий ишларни ташкил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унда деярли корхонанинг барча таркибий бўлинмалари иштирок этади. Шунинг учун ҳам бу ишни ташкил қилиш бўйича корхонада локал хужжат (низом, йўриқнома ва х.к) ишлаб чиқилади. Ушбу хужжатда қуйидагилар назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир:

- шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан бо²лиқ хужжатларнинг таркибий бўлинмалар (тегишли мутахассислардан) ўтиш тартиби ва муддатлари;

- шартномани расмийлаштириш учун масъул бўлган тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва мутахассислар вазифаларини тақсимлаш;

- шартнома лойихаларини ишлаб чиқиш тартиби, шунингдек шартнома шартларини тегишли бўлинма ва хизматлар билан келишиш тартиби;

- шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида вужудга келган келишмовчиликларни контра-гентлар билан хал қилиш бўйича бўлинма, хизматлар ва мансабдор шахсларнинг вазифалари;

- шартномалар ва бошқа шартномавий хужжатларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби;

- шартномани бажарилишини таъминлаш мақсадида корхона таркибий бўлинмаларига шартнома шартларини етказиш тартиби;

- шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш тартиби;

- шартномавий ишлар тахлили ва уни мукаммаллаштириш бўйича таклифлар киритиш тартиби;

- шартнома интизомини мустахкамлаш мақсадида кор-хона таркиби бўлинмаларини моддий ра²батлантириш ва иқтисодий жавобгарлик чораларини кўриш тартиби.

Бу вазифаларни амалга оширишда корхоналарда фаолият кгрса-таётган юридик хизматнинг гзига хос грни амалдаги норматив-хукукий хужжатларда аниқ белгилаб қуйилган.

3-§. Юридик хизматни талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва корхонанинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий ишларнинг асосий босқичларидан ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳуқуқий таъминлашнинг самарали воситаларидан бири талабнома ва даъво ишларини тўғри ва ўз вақтида юритиш эканлигига талабалар эътиборларини қаратмоқлари керак.

Талабнома ва даъво ишлари бир-бири билан ўзаро боʻлиқ бўлсада, ҳар бирининг мустақил роли, вазифалари, аҳамияти ва алоҳида тартиби бор. Шунинг учун уларни ўзи-га хос жихатларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Талабнома ишларини юритишни тўғри ташкил этиш хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этгандан кейингина хўжалик судида даъво қўзғатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни билан юридик хизматга талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Талабнома ишлари қоида тариқасида бошқа таркибий бўлинмалар (бухгалтерия, молия, таъминот, маҳсулотларни реализация қилиш ва ҳ.к.) томонидан олиб борилади ва юридик хизмат ходимлари бу ишларини қуйидагича назорат қиладилар: бошқа бўлинмалардаги талабнома ишларини юритувчи ходимларга иш юритиш тартибини тушунтирадилар; амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан таништирадилар; зарур ҳолларда уларни ҳуқуқий тайёргарликдан ўтказадилар; вақти-вақти билан уларнинг ишини текшириб турадилар ва уларга амалий ёрдам берадилар; мураккаб масалалар бўйича талабномаларни тайёрлашда уларга зарур маслаҳатлар берадилар; талабномаларни қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда расмийлаштирилиши ва жўнатилишини ҳамда келиб туш-

ган талабномаларга жавоб тайёрланиб, юборилиши устидан назорат қиладилар; талабнома юритиш ишини тегишли бўлинмалар билан яхшилаш юзасидан хўжалик раҳбарига таклифлар киритадилар.

Хўжалик низосини судгача хал қилиш - талабнома юбо-риш ва унга ўз вақтида жавоб бериш орқали хал қилиш ҳар икки тараф учун ҳам фойдалидир. Бунда биринчидан, талаб-нома юборувчи томон ўзининг бузилган ҳуқуқи ёки қонуний манфаатларини қисқа муддатларда тиклашга эришиши; иккинчидан, хўжалик муносабат-ларига киришган тарафлар даъво аризасини расмийлаштириш ва уни хўжалик судига тақдим этиш, хўжалик судида ишни кўриш жараёнида иштирок этиш ва ҳақозо ҳаракатлар учун сарфланадиган вақт ва харажатларни тежайдилар; учинчидан, давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашга кетадиган маблаълар, яъни самарасиз сарф-харажатлар олди олинади; тўртинчи-дан, шартномавий муносабатларга киришган тарафларнинг бири-бирига бўлган ишончи ортади ва ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга ортиқча монелик бўлмайди.

Ўонунда ва Низомда юқорида қайд қилинганидек даъво ишларини олиб бориш, хўжалик судида белгиланган тартиб-да хўжалик манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юридик хизмат зиммасига юклатилган.

Даъво ишларини олиб бориш қуйидагиларни ўз ичига олади: даъво аризаси ва унга илова қилинадиган ҳужжат-ларни тайёрлаш ва уларни хўжалик судига тақдим қилиш; корхонага даъво аризасининг нусхаси тушганда у ҳақда ёзма фикр билдириб, уни тегишли хўжалик судига ва даъвогарга юбориш; корхона вакили сифатида суд мажлисида иштирок этиш, иш юзасидан сўзга чиқиш;

хал қилув қарори, қарор ёки ажримнинг қонуний ва асослилигини текшириш тўрисида апелляция ва кассация шикоятларини, назорат тартибида протест келтириш ҳуқу-қиға эға бўлган мансабдор шахсларга аризаларни тайёрлаш ва тегишли хўжалик судига, мансабдор шахсларга юбориш; корхона фойдасига чиқарилган хал қилув қарорининг ижро-сини назорат қилиш ва уни тезроқ бажарилиши учун барча қонуний чораларни кўриш.

Даъво аризасига қандай ҳужжатларни илова қилиш, улар нусхасининг сони, давлат божи миқдори, қайси хўжалик судида даъво қўзғатиш ва бошқа масалалар юридик хизмат томонидан Ёзбекистон Республикаси Хўжалик процес-суал кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ олиб борилади.

Агар иш манфаатлари даъво материалларини тузишда мутахассис иштирок этишини ёки хўжалик судида унинг қатнашишини тақазо қилса, юридик хизмат хўжалик раҳбари билан келишилган ҳолда уларни бу ишга жалб қилиши мумкин.

Иш бўйича жавобгар сифатида қатнашиш учун ҳам тегишли тайёргарлик кўриш зарур. Бунинг учун юридик хизмат ходими: даъвогарнинг дастлабки талабномасини; талабномага ёзилган жавобни; даъво аризасида баён қилинган талабларни чуқур ўрганиши; ушбу ишга тааллуқли барча материаллар билан, жумладан низо келиб чиққунгача даъвогар билан жавобгар ўртасидаги ёзишмалар, шартномага киритилган ўзгартиришлар, ўз мажбуриятини бажариш учун кўрган чора-тадбирларга қарамасдан объектив сабаблар билан уни бажариш имкони бўлмаган ҳолатларни исботловчи ҳужжатлар ва бошқалар билан танишиши; даъво аризаси ҳақидаги ёзма фикрни тайёрлаши, уни даъвогарга ва хўжалик судига юбориши, хўжалик суди мажлисида қатнашиши лозим.

Юридик хизмат ходими даъвогар ёки жавобгарнинг вакили сифатида хўжалик судида ишда иштирок этиши учун корхона томонидан ишончнома берилиши лозим. Ишончномага корхонанинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган шахс имзо чекади ва бу имзо корхонанинг муҳри билан тасдиқланади.

Юридик хизмат ходимининг ишда иштирок этувчи тарафларнинг (даъвогар ёки жавобгарнинг) вакили сифатидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Хўжалик процессуал кодексининг 35 ва 52 моддаларида белгилаб қўйилган.

4-§. Юридик хизмат томонидан мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш

Юридик хизматнинг мазкур соҳадаги фаолиятини аниқлаш учун талабаларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгиланган -“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини хи-собга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва

давлат химоясидадир”- деган нормасининг мохиятини чуқур англаш тавсия қилинади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нафақат давлат мулки, балки бошқа барча шаклдаги мулклар ҳам жамият фаровонлигини мунтазам ошириш ва кўтариш манбаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча шаклдаги мулкларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кўпайтириш лозим, бу ўз навбатида уларнинг сақланишини зарур даражада таъминлашга боʻлиқ.

Мулкни сақланишини таъминлаш тушунчасига кенг ва тор маънода қараш керак. Кенг маънода бу корхоналар тасарруфидаги моддий бойликларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий, ташкилий, ²оъвий, ҳуқуқий воситалари ва услублари қўлланиладиган фаолият жараёнидир. Тор маънода бу моддий бойликларни ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза қилишни ташкил қилишдир.

Корхоналар мулкни, у қандай шаклда бўлишидан қатъи назар ҳуқуқий воситалар билан сақлашни ташкил этишда юридик хизмат муҳим рол ўйнайди.

Юридик хизмат тўʻрисидаги Низомга мувофиқ у мулкни сақлашни ҳуқуқий таъминлаш ишларини қуйидаги шаклларда амалга оширади: мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунга мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади; бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда ўʻрилик, камомад ва самарасиз харажатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ва уларни бартараф қилиш тадбирларини амалга оширади; моддий бойликлар ва пул маблаʻларини ҳисобдан чиқариш тўʻрисидаги ҳужжатлар лойиҳа-си ҳамда бузилишлар ва суиистеъмолликлар аниқланган аудииторлик текширувлари ва қайта рўйхатга олиш далолатно-малари бўйича ҳуқуқий ҳулосалар беради; корхонага етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўради; дебиторлик қарзларни тугатиш ишларида қатнашади; суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблаʻлари ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва уларни ўʻрилашлар бўйича материалларни расмийлаштиради; мулкни сақлашни таъминлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини ташвиқот қилади.

Юридик хизмат бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонага келиб тушадиган моддий бойликларни қабул қилишни ташкил қилиш, уларни омбордан ишлаб чиқаришга ўтказиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳисобини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини юритишни; корхонага моддий зарар

етказилган ҳолатлар аниқланганда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгиловчи буйруқ (йўриқнома) лойи-ҳасини тайёрлаши мақсадга мувофиқдир. Мазкур буйруқда юқоридаги вазифаларни бажариш учун масъул бўлган шахслар аниқ кўрсатилиши лозим.

Юридик хизмат маҳсулотларни сони ва сифати бўйича қабул қилишни ҳўжалик шартномасида ва қонунчиликда белгиланган тартибга риоя қилиниши, қабул қилиш далолатномаларини тўри тузилиши устидан назоратни олиб боради.

Корхонада мулкни сақлашни таъминлашда моддий жавобгар шахслар алоҳида рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам юридик хизмат бундай лавозимга илгари қасдан жиноят содир қилган ва суд томонидан моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимни эгаллашдан маҳрум қилинган шахсларни қабул қилмаслик; моддий жавобгар шахслар билан ўз вақ-тида бўлиқ моддий жавобгарлик тўрисида ёзма шартнома тузиш; ҳар бир моддий жавобгар шахсни лавозими бўйича ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўрисидаги мансаб йўриқномаси билан тилхат орқали мажбурий таниш-тириш; моддий жавобгар шахсларга ҳар йили моддий бой-ликларни топшириш йўли билан меҳнат таътили бериш чораларини кўришга эътиборини қаратади.

Юридик хизмат корхонада аниқланган ўрилик, камомад ва самарасиз харажатлар бўйича материалларни тергов ва суд органларига топшириш билан чекланиб қолмасдан, балки бунга йўл қўйган шахсларни тегишли жазога тортилиши ҳамда етказилган зарарни бўлиқ ва тезроқ ундирилишини таъминлаш чораларини ҳам кўради.

Барча мулк шаклидаги корхоналарда уларнинг мулкани сақлашни ҳуқуқий таъминлаш аввало, мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини шакллантиришга, мулк эгаси бўлган табдиркорлар, акциядорлар ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса жиноят ва етказилган зарар учун жазони муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

5-§. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли

Меҳнат тўрисидаги қонунчиликка амал қилишни таъминлаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш корхона юридик хизмати

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда амалга оширадиган ҳуқуқий ишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Корхоналар юридик хизматининг бу борадаги асосий ишлари қуйидагилардан иборат: корхонанинг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар-рини–жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, мукофотлаш ва ра²батлантиришлар тў²рисидаги низомлар-ни–ишлаб чиқишда қатнашиш; корхона раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буй-руқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойихаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш; меҳнат инти-зомини мустаҳкамлаш, ишга келмаганлик, кечикиш ва ишлаб чиқаришдаги бошқа тартиб ва интизомни бузганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини тў²ри қўллашда корхона раҳбари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; корхонада меҳнат ҳақидаги қонунчи-лик ва корхона ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини назоратда тутишни тартибли ҳисобга олиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш; меҳнат жамоасидаги мавжуд қасаба уюшмаси қўмитаси, меҳнат низолари комиссияси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш; меҳнат жамоаси аъзоларига меҳнат қонунчилигини тар²иб қилиш ва тушунтириш.

Юридик хизмат меҳнат шартномасини қонун ҳужжат-ларига мувофиқлигини текшириш жараёнида–уни ёзма шаклига риоя қилинган-қилинмаганлигини; унинг мазму-нини ташкил қилувчи шартлар: иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси), ходимнинг меҳнат вазифаси-мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати, меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари ёритилган-ёритилмаганлигини кўриб чиқиб, у тў²-ри расмийлаштирилган бўлса, меҳнат шартномасининг кор-хонада сақланадиган нусхасига виза қўяди.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйру²и билан расмийлаштирилади. Ишга қабул қилиш тў²рисидаги буйруқ лойихаларини текширишда юридик хизмат қуйидагиларни аниқлаши лозим: буйруқ лойихасига тузилган меҳнат шартномаси асос қилиб олинганми, унинг мазмунига тўла мувофиқ келадими, синов муддати уч ойдан ошиб кетмаганми ва х.к.

Юридик хизмат ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ лойихасини текширишда қуйидагиларга ишонч хо-сил қилиши зарур: агар ходим бошқа доимий ишга ўтқа-зилаётган, яъни унга бошқа му-

тахассислик, малака, лаво-зимга оид иш топширилаётган бўлса, у бунга розими, янги иши бўйича барча шартлар билан танишми; меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилганми, буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ холда чиқарилганми; агар бошқа ишга ўтказиш вақтинча, ишлаб чиқариш зарурияти билан ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан амалга оширилаётган бўлса, унда ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар, бошқа ишга ўтказиш муддати, меҳнатга тўлана-диган ҳақнинг аниқ миқдори белгиланганми.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқларни текширганда юридик хизмат ишдан бўшатишнинг қонуний ва асосланганлигига эътибор беради. Шу мақсадда ходимни бўшатилишида қонун белгилаган тартибга риоя қилинганлигини текшириш керак. Жумладан, ишдан бўша-тишга қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа ва-киллик органининг олдиндан розилиги олинганми (жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда), меҳнат шартномасини бекор қилишда ходим қонунда белгиланган муддатларда ёзма равишда огоҳлантирилганми; маълум тоифадаги ходимлар учун белгиланган қўшимча қафолатлар ҳисобга олинганми; буйруқда қонуннинг тегишли модда ва банд-лари тўғрисида кўрсатилганми.

“Бизда интизом бўлмас экан, - деган эди И.Каримов, - биз олдимизга қўйилган мақсадларга эриша олмаймиз”. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш-жамоат бойлигининг сармоя сарфлашни талаб қилмай, улкан самара берадиган захирасидир. Ўқиб-китоблар шуни кўрсатадики, саноатда иш вақтининг йўқотилишини икки баравар қисқартириб, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналиш ва услублари қонун ҳужжатларида белгиланган. Улар интизомни мустаҳкамлашга комплекс ёндашишни, интизомни бузиш ҳисоби-ни такомиллаштиришни, корхоналар ва уларнинг бўлинма-лари раҳбарларининг интизом ахволи учун жавобгарлигини оширишни, интизомни бузувчиларга мурасо-созлик билан ёндашиш фактларини йўқотишни, бу мақсадларда амалдаги қонунчилик мўрларидан самарали фойдаланишни, сидқидилдан қилинган меҳнат учун моддий ва маънавий рағбат-лантириш чораларини кенг қўллашни, меҳнат жамоалари ва жамоатчилик ташкилотлари ролини оширишни, уларнинг ҳуқуқларидан самарали фойдаланишни ўз ичига оладилар. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича иш ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

Юридик хизмат корхонада меҳнат интизомини мустахкамлаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

Бунинг учун юридик хизмат кадрлар бўлими билан ҳамкорликда иложи борича жамоатчилик ташкилотлари иш-тироқида ҳам бутун корхона, ҳам алоҳида таркибий бўлин-малар бўйича меҳнат интизомининг бузилиш холлари ҳақи-даги маълумотларни вақти-вақти билан таҳлил қилиши, бу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаши ва уларни бартараф этишда ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш борасида таклифлар киритиши керак.

Юридик хизмат меҳнат интизомини бузувчиларга ҳуқуқий чораларни жамоатчилик таъсири тадбирлари билан мо-хирона кўшиб қўллаш, ишга келмовчи ва бошқа меҳнат ин-тизомини бузувчиларга интизомий чоралар қонунчиликда (Меҳнат кодексининг 181-моддасида) кўзда тутилган жазоларни (жумладан -“хайфсан”, ”ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима”, ”меҳнат шартномасини бекор қилиш”) қўллашга, қўлланган чоралар ҳақидаги ахборотни жамоа аъзоларига етказилишига, яъни ошкораликка эътибор бериши лозим. Чунки, интизомий жазо чорасини нотўри қўлланилиши ёки қонунда кўрсатил-маган чорани (масалан, “танбех”, ”огохлантириш”, ”қаттиқ хайфсан” каби) қўлланиши, бундай чораларни бекор қилиш ёки ноқонуний деб топишга олиб келади. Натижада, меҳнат интизомини бузган ходим ҳақиқатда жазосиз қолиши мумкин, чунки кўпчилик холларда интизомий жазо қўллашнинг бир ойлик муддати ўтиб кетади. Бу ўз навбатида жамоада меҳнат интизомини бўшашиб кетишига олиб келади.

Юридик хизмат томонидан ўтказиладиган маъруза ва суҳбатлар корхонада меҳнат интизомини мустахкамлаш, уюшқоқлик ва тартиб учун барча ҳуқуқий воситалар ҳамда қонун кучидан фойдаланиш зарурлигини ҳар томонлама таъкидлаш муҳимдир.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Юридик хизматнинг қонунчиликни таъминлашдаги назорат функцияси деганда нимани тушунасиз?
2. Юридик хизмат томонидан раҳбарлар ва ходимларни ҳуқуқий тарбиялаш функциясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Юридик хизматнинг хўжалик шартномалари тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги иштирокини нима-ларда кўрасиз?

4. Юридик хизмат талабнома ишларини қандай тартибда назорат қилади?

5. Юридик хизмат томонидан даъво ишларини олиб бориш тартиби қандай?

6. Юридик хизматнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли қандай?

7. Юридик хизмат томонидан ҳуқуқий воситалар орқали мулкни сақлашни таъминлаш ишлари қандай ташкил этилади?

8. Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги ролини гапириб беринг

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	5
“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани бўйича мавзулар режаси.....	6
“Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанидан ўқув дастури.....	7
1-мавзу. “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фанининг предмети, уни ўрганиш услублари ва ахамияти.....	9
2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси юридик хизмат ҳақидаги қонунчилигининг ривожланиши.....	15
3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими.....	23
4-мавзу. Юридик хизматнинг ҳуқуқий ҳолати ва унга раҳбарлик қилиш.....	32

**5-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати
фаолиятининг асосий йўналишлари.....42**

Фозилжон Отахонов

**“Ўзбекистон Республикасида
юридик хизмат”**

**фани бўйича сиртки бўлим талабалари учун
Ўқув-услубий қўлланма**

**Музаррир: А. Боймаматов.
Техник музаррирлар: М. Мирзалиев.
Компьютерда сасифаловчи: Ф. Нурлибаев.**

**Босишга рухсат этилди: 23.04.04.
Сажми: 3,6 б.т. Адади: 500. Буюртма: № 325.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шасар, Сайилгос 35.**